# БАЙРАМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН, АЗИЗ УСТОЗЛАР!

ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 194 (10.499) / 2005 ЙИЛ 30 СЕНТЯБРЬ





*Йўлим ҳали олис, ҳаёт ҳали бор,*
*Ҳали бу ҳаётдан кўп менинг қарзим,*
*Ушбу кенг оламни танитгани чун*
*Устозим пойига қилурман таъзим.*

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

- Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг мажлиси бўлиб ўтди.
- Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ўртасида “Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида”ги Меморандумни имзолаш маросими бўлиб ўтди.
- Жиззахда бир ҳафта давом этган семинар Юртбошимизнинг тадбиркорликни ривожлантириш ва ушбу соҳани қўллаб-қувватлаш юзасидан чиқарган бир қатор Фармон ҳамда Қарорлари ижросини таъминлаш масалаларига бағишланган.
- Душанба куни пойтахтда WTA-жаҳон аёллар теннис уюшмаси тоифасидаги “Тошкент опен” турнири бошланади.
- С.Насафий номли Қашқадарё вилояти кутубхонасида Ўзбекистон Республикасининг “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуни лойиҳасининг муҳокамасига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

### Жаҳонда

- Европа парламенти Туркиянинг Европа Иттифоқига киришидан олдин ўтган асрнинг бошларида Усмонийлар империяси даврида арманларга нисбатан ўтказилган оммавий геноцидни тан олиши шартлиги тўғрисида қарор қабул қилди.
- Ғазо секторидаги тартибсизликларнинг бартам топмаётганлиги сабабли Исроил Бош вазири Ариэль Шарон ва Фаластин етакчиси Маҳмуд Аббос ўртасидаги 2 октябрга мўлжалланган учрашув кечиктирилди.
- BBC телекомпаниясининг хабарига кўра, 2060 йилга келиб Арктикада муз қатламларидан асар ҳам қолмайди. Чунки кейинги тўрт йил мобайнида Арктика муз қатламларининг эриш суръати жадаллашиб кетган.

# ВАТАННИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ МУБОРАК!

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Фармонига кўра Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан мамлакатимиз таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гуруҳи Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирландилар. Жумладан, ТОШКЕНТ шаҳридан қуйидагилар Ватанимизнинг юксак мукофотларига мушарраф бўлдилар.**

**Таълим-тарбия соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнати, ёш авлодни миллий ва умумбашарий қадриятларга таянган ҳолда Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида ҳар томонлама соғлом ва баркамол қилиб вояга етказиш, уларга фан асосларини ҳамда замонавий касб-ҳунарларни ўргатиш йўлида жонкуярлик кўрсатгани ва жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилди:**

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси»

**Казанцева Наталия Владимировна** — Яккасарой туманидаги 369-мактабгача таълим муассасасининг дефектологи

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози»

**Абдуллаева Зарина Аъзамовна** — Республика Олий спорт маҳорати мактабининг бадиий гимнастика бўйича мураббийси

**Кудратов Рустам Бўриевич** — Республика Олий спорт маҳорати мактабининг юнон-рум кураши бўйича мураббийси

**Мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш, ёш авлодни ватанпарварлик ва миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, уларда юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантириш борасидаги фидокорона хизматлари билан халқимизнинг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлгани учун қуйидагилар мукофотланди:**

### «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан

**Абдуллаева Қумри Абдуллаевна** — Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтининг бошланғич таълим муаммолари бўйича илмий маслаҳатчиси

### «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан

**Нурқобилов Абдураҳмон** — Алишер Навоий номидаги Республика нафис санъат мактабининг тасвирий санъат ўқитувчиси

### «Меҳнат шуҳрати» ордени билан

**Акрамов Раҳимжон Аҳмедович** — Халқ таълими вазирлигининг таълим муассасаларини қуриш ва уларни реконструкция қилиш бўлими бошлиғи

**Иномжонов Иброҳим Аҳмаджонович** — Шайхонтоҳур туманидаги 15-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори

**Ёш авлодни маънавий етук ва жисмонан соғлом қилиб камол топтириш ишига қўшган улкан ҳиссаси, уларга билим ва тарбия бериш йўлидаги ибратли фаолияти ва халқ таълими тизимидаги кўп йиллик самарали меҳнати учун қуйидагилар мукофотланди:**

### II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

**Каммисарова Светлана Викторовна** — Тошкент шаҳридаги 21-»Меҳрибонлик уйи» тарбиячиси

**Ҳамдамова Фахринисо Маҳановна** — Юнусобод туманидаги 21-мактабнинг меҳнат таълими ўқитувчиси

**Иқтидорли ёшларнинг истеъдодини рўёбга чиқариш, уларни Ватанимизнинг муносиб фарзандлари, ҳар томонлама етук инсонлар этиб тарбиялаш йўлида намуна кўрсатгани ҳамда жамиятимизда миллатлараро дўстлик, ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустаҳкамлашга қўшган катта ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотланди:**

### «Дўстлик» ордени билан

**Вдовина Тамара Юрьевна** — Учтепа туманидаги 74-мактабнинг кимё фани ўқитувчиси

**Ёш авлодни миллий истиқлол ғояси ва умумбашарий қадриятларга, Ватани, халқига муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, таълим жараёнига замонавий педагогик технологияларни жорий этишда юксак муваффақиятларга эришгани учун қуйидагилар мукофотланди:**

### «Шуҳрат» медали билан

**Гарипов Загир Зарифович** — Сергели туманидаги 11-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори

**Ғиёсов Шуҳрат Сайфуллаевич** — Республика болалар ижодиёти марказининг миллий кулолчилик студияси раҳбари

**Зокиров Обиджон Салимович** — «Ёшлик» Ўзбекистон кўнгилли спорт жамияти марказий кенгашининг бокс бўйича бош мураббийси

**Калдибоева Гулбаҳор Маҳкамовна** — Мирзо Улуғбек туманидаги 121-мактаб директорининг ўринбосари

**Кенжаева Нодира Аноровна** — Бектемир туманидаги 291-мактаб директорининг ўринбосари

**Мирҳабибова Наргиза Тожибоевна** — Ҳамза туманидаги 155-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси.

*1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни*



# МАЪРИФАТ НУРИНИ ТАРАТГУВЧИСИЗ

***Абадий бахт сари йўлловчи устоз,***
***Билмаганинг аён айловчи устоз.***
***Қалбингдан жаҳолат зангини ювиб,***
***Маърифат нурини жойловчи устоз.***

Ўқитувчи ва мураббийлар, табаррук устозларни ҳар қанча эъзозлаб, уларни фахр-ифтихор билан тилга олсак арзийди. Мактаб остонасига қадам қўйиб, илк бор қўлга қалам тутқазган меҳрибон муаллимлардан илм сирларини ўрганганмиз. Тафаккуримизни билим зиёси билан бойитган, ҳаётимиз, онгу шууримизни мунаввар айлаган устоз ва мураббийлардан бир умр қарздормиз. Халқимизда «Устоз — отангдек улуғ» деган нақл бежиз айтилмаган. Отадек улуғ бўлган устозларни ҳамиша ҳурмат билан ёдга олишимиз керак.

Мамлакатимизда мана бир неча йилдирки, 1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни байрам сифатида шодиёна нишонланмоқда. Бу албатта ҳукуматимиз томонидан ўқитувчи ва мураббийларга бўлган юксак эҳтиром рамзидир. Айни кунларда шаҳримизнинг барча гўшаларида байрам тадбирлари давом этмоқда. Жумладан куни кеча Мирзо Улуғбек туманида халқ таълими ходимлари — ўқитувчи ва мураббийларнинг байрам тадбири ўзгача шодиёна руҳда ўтди. Тадбирга тумандаги мактаб ва мактабгача таълим муассасаларининг раҳбарлари, ўқитувчи ва мураббийлар ташриф буюрдилар.

Айтиш жоизки, мамлакатимизда ўқитувчи ва мураббийларнинг обрў-эътибори янада ошиб бормоқда, мактаб таълимига муҳим эътибор қаратилган. Президентимизнинг ўтган йил 21 майдаги «2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги Фармони ҳам бунга ёрқин мисолдир.



Байрам тадбирида «Иқтидорли мактаб директори», «Илғор тажрибали директор», «Изланувчан маънавият ходими», «Энг илғор педагогик технологиялар бўйича дарс берувчи ўқитувчи», «Меҳри дарё мураббий» сингари номинациялар бўйича энг фаол ва тажрибали ўқитувчи ва мураббийлар шаҳар ҳамда туман ҳокимликларининг Фахрий ёрлиқлари билан тақдирландилар. Дилбар куй-қўшиқлар, жозибали рақслар билан ўтган байрам тадбири ўқитувчи ва мураббийларнинг қалбига бир олам завқ-шавқ бағишлади.

**Гулором ҲАМИДОВА**

**СУРАТЛАРДА: Мирзо Улуғбек туманида Ўқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишлаб ўтказилган байрам тадбиридан лавҳалар.**

**Тоҳир Ниғматуллин олган суратлар.**

*Назм гулшани*

## УСТОЗ ҚАДРИ

*Сизни қалб тўрида сақлагим келур,*
*Сиз берган сабоқни оқлагим келур.*
*Қалбингиз қўридан оташ-чўғ олиб,*
*Ҳаёт қозонида қайнагим келур.*
*Таълим бир қанотдир, тарбия — қанот,*
*Қанотсиз қуш эса тополмас нажот.*
*Парвозга шайламоқ — устоз заҳмати,*
*Лек парвоз учун ҳам керакдир сабот!*
*Мен Сизни севаман муаллим-устоз!*
*Айтар дил сўзингиз: «Ўқи, ўрган, ёз!*
*Фурсатни бой берманг —*
*ғанимат ҳар дам,*
*Нақл бор: «Темирни қизиғида бос!».*
*Жамият ривожин фанда кўраман,*
*Соғ ақл, чиниққан танда кўраман.*
*Ҳаётда топмаса инсон ўз қадрин —*
*Эй воҳки, ўзимни ғамда кўраман!*
*Устозлар бор экан — Офтобдир Ҳаёт,*
*Офтобни, ҳаётни севамиз ғоят!*
*Қандай яшамоқни бизга ўргатган*
*Устозлар! Ҳамиша бўлинг барҳаёт!*

Маннон ТОЖИ

**Мураббийларга атаб ҳар қанча таърифу тавсиф ёзсак арзийди. Аммо бу жимжимадор сўзлар уларга керак эмас. Болажонлар қароқларидаги шодлик учқунлари, юзларидаги табассум улар оламидаги хархаша-ю, тантиқликлар мураббийлар учун муқаддасдир. Зеро, оламда бола кулгусидан лаззатлироқ нима бор ўзи?**

*Тарбия масканларида*

# МУНИС ВА МЕҲРИБОН МУРАББИЙ

Бугунги мўъжазгина мақоламиз болажонларни тарбиялашдек шарафли, масъулиятли ишда бош-қош бўлаётган мураббийлар ҳақидадир.



Умида опа Қурбонова 35 йилдирки Учтепа туманидаги 460-мактабгача таълим муассасасида тарбиячи бўлиб ишлаб келмоқда.

— Мазкур муассаса 1972 йилда ташкил қилинган бўлса, ўшандан бери шу ерда болажонларнинг беғубор оламига шерик бўлиб ишлаб келаяпман, — дейди Умида опа. — Олий маълумотли педагогман. Ҳаётимнинг ҳар бир лаҳзасини шу жажжиларсиз тасаввур эта олмайман, улар ҳаётимнинг мазмуни бўлагига, юрагимнинг бир парчасига айланиб улгурганлар. Шу беғубор жажжи болажонлар ҳамиша соғ-омон бўлишсин, келажаги порлоқ, бахти бутун, толеи баланд бўлишини истайман, касбим билан фахрланаман.

Дарҳақиқат, фарзанди жаннатнинг гули ҳисобланади. Уларга ёшлигидан таълим-тарбия бериш мушкул вазифа. Умида опа эса болаларнинг ҳар қандай инжиқликларига, хархашаларига сабр-тоқат мулойимлик, босиқлик билан жавоб беради.

— Муассасада 22 нафар педагог-тарбиячилар фаолият юритади, — дейди 460-мактабгача таълим муассасасининг мудира ўринбосари Малика Ёдгорова, — Умида Қурбонова энг малакали педагог-тарбиячиларимиздан, улар билан фахрланамиз. Бугунги кунда масканимизда 12 та гуруҳ мавжуд бўлиб, 311 нафар болаларга хизмат кўрсатади.

Тўртта эҳтиёжга муҳтож, 6 та ўрта ва 2 та мактабгача тайёрлаш гуруҳларимиз мавжуд. Муассасамизда мусиқа, психология ўқитувчилари ва ҳамширамиз доимо болажонлар хизматига шай, ота-оналар ҳам ишимиздан мамнун. Тез-тез турли хил тадбирлар ўтказиб турамиз.

Ҳа, ушбу масканда болалар учун кўнгилочар турли хил ўйинлар ташкил қилинган. "Болажон — полвонжон", "Излаб топ", "Эртаклар оламига саёҳат", "Ғунчамиз — гулғунчамиз", "Биз мактабга борамиз", "Диёримиз чаман очсин" мавзуидаги тадбирлар болалар онгини шакллантиришда, сўз бойлигини оширишда, шунингдек, изланувчан, интилувчан бўлишда ёрдам беради.

Биз ушбу масканадаги меҳрибон, қалби дарё мураббийларни касб байрамлари билан қутлаймиз. Мураббий деган қутлуғ ном доимо эъзозланаверсин, болажонлар эса, ана шундай ишончли қўлларда яйраб, униб камолга етишсин.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

**СУРАТДА: 460-мактабгача таълим муассасасининг тарбиячиси Умида Қурбонова болажонлар қуршовида.**

*«Йил ўқитувчиси — 2005» танлови ғолиби*

# МЕҲР НУРИ ЁҒАР ДОИМ...



**Буюк аллома Абдураҳмон Жомий устозлар меҳнатини шундай таърифлайди:**

***Дунёда бўлмаса муаллим агар,***
***Ҳаёт ҳам бўлмасди гўзал бу қадар.***

**Дарҳақиқат, ўқитувчи, муаллимсиз ҳаёт зулматга айланарди. Устозларнинг масъулиятли, аммо шарафли касбларини бир машъалага қиёс этиш мумкин. Халқимизда ўқитувчи —миллат тарбиячиси, ёш авлод боғбони деб бежиз айтилмайди.**

Мана бир неча йилдирки, шаҳримизда энг иқтидорли ўқитувчиларни аниқлаш ва уларни рағбатлантириш мақсадида «Йил ўқитувчиси» кўрик-танлови ўтказиб келинмоқда. Бу йилги мазкур танловда Юнусобод туманидаги 17-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси Муяссар Ҳайдарова ғолиб деб топилди.

Муяссарнинг ёшлигидан чет тилларини ўрганишга қизиқиши ортиб борди. Шу боис Ўзбекистон Миллий университетининг хорижий филологияси факультетига ўқишга кириб, уни муваффақиятли тамомлади. Кўп ўқиб, изланиб, инглиз, француз тилларини яхши ўзлаштириб олди. Энди уни амалда татбиқ этиши керак. Шунинг учун инглиз тилига ихтисослашган 17-мактабда ўзининг меҳнат фаолиятини бошлаган Муяссар аввало болаларга меҳр қўйиб, уларга чет тилларидан сабоқ бера бошлади. Бора-бора ўз касбига шундай қизиқиб кетдики, дарсдан сўнг ҳам бўш вақтларини ўқувчилари билан ўтказар, уларга тил ўрганишда ёрдам берарди. Ўқитувчилик касбига бўлган меҳр, оиласидаги муҳитдан бўлса керак. Чунки Муяссарнинг икки опаси ҳам ўқитувчилик касбини эъзозлаб келишади.

— Келажакда ўқитувчи бўламан, деб ўйламагандим, — дейди Муяссар Ҳайдарова. — Нимагадир мактабга ишга киргач, болаларга меҳрим тушиб, уларни шундай яхши кўриб қолдим. Мендан ўқитувчи чиқмаса керак, деб ўйлардим. Инсон ўз касбига меҳр қўйиб, астойдил қизиқиб ишласа, ундан ажралолмас экан. Ўқитувчи аввало болаларни севиши керак, уларга меҳрли бўлиши керак, деб ўйлайман. Ўз устимда кўпроқ ишлашга ҳаракат қиламан. Бугунги кунда "Тил билган эл билар", деган нақл бежиз айтилмаганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Ҳозирда қанчадан-қанча тил билган ёшларимиз хорижда таҳсил олиб, ўз билимларини бойитиб келишмоқда. Кўриб ҳавасинг келади. Менинг ҳам мақсадим, хорижга чиқиб мактабдаги ўқув таълим-тарбия жараёни билан танишиб, малака ошириш, тажриба алмашиш. Мана бу йил "Йил ўқитувчиси-2005" кўрик-танлови ғолиби бўлдим. Бундан ниҳоятда хурсандман. Айни кунда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб боряпман. Ўқувчиларга дарс ўтишда асосан оғзаки нутқни ривожлантиришга эътибор бераман, замонавий усуллар билан болалар фикрини ўрганишга ҳаракат қиламан. Тил ўрганишда, ўқувчиларга бадиий адабиётлардан фойдаланишларига ёрдам бераман.

Дарҳақиқат Муяссарнинг бўш вақти кам. У ишдан ташқари "Янги авлод" Медиа марказида мураббий ва таржимон бўлиб ишламоқда. Бундан мақсад асосан ногиронларга, кўчада қаровсиз қолган болаларга ёрдам бериш. Шуни ҳам айтиш керак,ўтган йили у ЮНЕСКО халқаро ташкилоти томонидан "Энг яхши бирлашган мактаблар тармоғи координатори" деган номга сазовор бўлди.

Фарзандларимизни комиллик ва камолот сари етакловчи, мустаҳкам иродали, чуқур билимли, ҳар томонлама соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш ўқитувчи ва мураббийларнинг асосий вазифаларидандир. Ўз касбига меҳр қўйган, келажаги порлоқ, умидли устозлардан Муяссар Ҳайдаровага биз ҳам доимо эзгу мақсадларига эришишига тилакдошмиз.

**Дилором ИКРОМОВА**

**СУРАТДА: "Йил ўқитувчиси—2005" кўрик-танлови ғолиби Муяссар Ҳайдарова.**




КУЛИНГ ДЎСТЛАР, УМРИНГИЗ УЗОҚ БЎЛАДИ.
Юсуфжон қизиқ Шакаржонов.

# КИРАКАШЛИККА ҚЎЙИЛГАН КРИЛОВЧА НУҚТА

Киракашлик аслида қачон ва қандай бошланган экан-а? Балки биздан неча минг-миллион йил олдин ўтган аждодимиз бирор чарчаган одамни маълум бир ҳақ эвазига, эҳтимол, бир парча тери ёки бир тишлам мамонт гўшти олиб бирор жойга кўтариб олиб бориб ёки бирор сувдан ўтказиб қўйгандир? Бу ҳақда қадимги ривояту ҳикоятларда, афсуски, ҳеч нарса дейилмаган. Аммо бу касбнинг қадимийлигига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ. Негаки, одамзоднинг оғирини енгил, узоғини яқин қилиш илгаритдан жуда савоб иш ҳисобланиб келингани аниқ. Одамзод жониворларни қўлга ўргатиб бу ишга жалб этгунга қадар уни ўзи бажариб келганлиги ҳам рост. Буни Ҳиндистондаги ўзини аравага қўшиб олиб, дикирлаганича кўчада одам ташувчи рикшалар мисолида ўз кўзим билан кўрганман. Тарихда махсус қуллар подшою маликалар, бошқа ҳукмдорларни ҳам тахти равонга солиб елкаларида кўтариб юрганликлари ҳам рост. Одамзод табиатда юрган от, эшак, хачир, филу туяларни ўз қўлига ўргатиб, кейин эса улардан одамлару юкларни ташишда фойдалана бошлагандан кейин киракашлик роса авжига минган. Бу хилдаги киракашлик неча-неча асрлар мобайнида давом этиб келган. Кейинчалик одамзод машина, поезд, самолёт, кема кабиларни ихтиро қилди — ана кўринг энди киракашликни! Бу борада изланишлар, ихтиролар тўхтагани йўқ, яқинда ғарблик корчалонлардан бир нечтаси неча-неча миллион долларлар эвазига ракеталарга тушиб кенг коинотни сайр қилиб қайтишди. Ҳали ажаб эмаски, бу соҳада ҳам киракашлик йўлга қўйилиб кетса-ю, кўча-кўйларда:

— Хўш, қайси сайёрага борасиз?

— Ойгами, ўтиринг, бир зумда элтиб қўямиз...

— Марсгами? Узоқроғу, лекин пулини келишсак олиб бориб қўямиз... — каби келишувлар янграб қолса ажаб эмас.

Аммо ҳозир киракашликнинг асосий воситаси машина бўлиб турибди. Улар ҳам ҳар хил — янги чиққан "Тико", "Нексия" кабиларнинг ҳозирча ошиғи олчи, "Жигули" ҳам ёмон эмас, яраб турибди, аммо "Москвич"у "Волга" каби оғир карвон, бензинни кўп "ейдиган" машиналарнинг бозори касод, эгаларининг қовоқлари осилган, кирадан топган пуллари машиналарини тўйғазишга етмасдан ғирт хуноб. Аммо, чекингга тушса чекчайма, деганларидек ҳар кимнинг ризқи. Илгарилари унча-мунча одам кира қилишни ўзига ор деб биларди, эндиликда киракашлар ёмғирдан кейин бодраб чиққан қўзиқоринлардек кўпайиб кетишди. Бир хиллари бирор бекат олдидаги майдончада эртадан кечгача мўлтираб йўловчи кутса, бошқа эпчилроқ, машинаси янгироқлари кўчама-кўча ғизиллаб кўзи олма териб мижоз қидиради. Кўчада кетаётган одам нохосдан бурнини қоқмоқчи бўлиб қўлини сал қимирлатса бас — шу заҳоти олдида тўртта машина "ғийқ" этиб тўхтайди. Илгарилари йўловчи билан "Қанча берасиз?", "Йўғ-е, бу кам, шунча берасиз", "Бензин ҳам ҳар ҳафтада ошиб турибди-да" қабилида "савдо" бўларди, энди унақага вақт йўқ, орқадаги "илиб" кетади: "Бўпти, ўтиринг". Кечгача Ҳалаканинг итидай шаҳар кўчаларида изғисангиз бензинга яраша пул ё топасиз, ё тополмасдан шофёрчасига сўкиниб уйга қайтасиз. Аммо чидаганга чиқарган, киракашликни эплаган одам қилади. Шулар қатори каминаю камтарин ҳам бир ёғи тижорату бир ёғи зиёрат деганларидек бу ҳунарнинг ёни-веридан бироз, баҳоли қудрат ўтиб кўрдик. Ёмон бўлмади, ишқилиб бир нима орттирмасам ҳам машинамга бензин ўзидан чиқиб турди, энг муҳими гул баҳона — дийдор ғанимат деганларидек, турли хил одамлар билан учрашиб, ҳаёт деган улкан дунёнинг дарчасидан бироз мўралагандек бўлдик.

Аммо ҳар нарсанинг ҳам вақти-соати, ибтидоси-ю интиҳоси бўлади. Шунга ўхшаб, бир вақт қарасак бу касбу ҳунарга жуда мукка тушиб кетадигандаймиз. Ахир, Яратганга минг қатла шукрки, Худо берган ўз касбимиз, ўз йўлимиз бор. Бир марта мижоз талашиб қолганимизда пихини ёрган киракаш ҳайдовчилардан биттаси менга қараб:

— Кўриб турибман, сизнинг бошқа касбингиз ҳам бор, киракашлик шунчалик эрмакка ўхшайди. Шундай экан, нима қиласиз бошқаларнинг ризқига шерик бўлиб? дея қаттиққина гап-сўз қилган эди. Ўша пайтда бу гапларга хафа бўлиб эгасига бундан баттарини қайтарган ва "алам қилсин!" деб мижозини олиб кетиб қолган эдим. Кейин ўйлаб кўрсам ўша тажанг киракаш ҳақ экан, ахир улар шу йўл билан тирикчилик қилишади, бола-чақа боқишади. Биз эса, минг шукр, киракашликнинг пулига қараб қолганимиз йўқ. Шундай экан, ҳар ким ўз ишини, ўз касбини қилгани дуруст экан. Рус масалчиси Крилов бу ҳақда:

**Иш чатоқдир, гар этикдўз**
**сомса пиширса,**
**Сомсапаз-чи, қўлда**
**бигиз — косиблик қилса,**
**Бунақада иш орқага**
**кетиши тайин.**

деб бежиз айтмаган-да. Шундай қилиб, ҳурматли газетхон, биз бу касбни йиғиштирдик, Тошкент кўчаларида олазарак бўлиб йўловчи қидириб юрган киракашлар сони биттага камайди. Аммо ушбу антиқа касб орқали ажойиб ҳамюртларим — содда, софдил, самимий инсонлар билан танишиб, улар билан суҳбатлашиб, ғаму ташвишларига шерик бўлиб ушбуни ёзиш насиб этганлиги учун бу касбдан ўла-ўлгунча миннатдорман.

**Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ**

# *ЧЎНТАКДАГИ МЕҲМОН*

## МИТТИ ҲАЖВИЯ

Чоривой бугун ишдан анча хурсанд қайтди. У узоқ кутган маошини олганди. Буни сезган кичик қизи отасига пешвоз чиқди:

— Дадажон, эртадан кейин мучал тўйимиз бўларкан. Муаллимга чопон, дўппи, белбоғ олишимиз керак. Шунга пул берсангиз...

— Неча сўм, қизим?

— Ўзингиз биласиз-ку...

— Хўш, мана, қизим. Яхши ўқигин, хўпми?

— Цех бошлиғимиз Ҳумор опа келин чорлар қилмоқчи экан, — деди Чоривойнинг катта қизи. — Шунга оз-моз пул йиғяпмиз.

Чоривой катта қизини ҳам хафа қилгиси келмади.

Энди ўтириб чой ичмоқчийди, эшик қўнғироғи босилди. Сўнгра тиржайган башара кўринди:

— Мум-кин-ми? — Бу қўшниси Шодивой эди.

— Киринг, киринг, қўшнижон. Қайси шамол учирди?

— Вақтим зиқроқ. Кетаман. Озгина қарз бермасангиз бўлмайди, Чоривой ука. Икки ой олдин Ўсарбойдан бироз пул олгандим. Дарров сўраб келибди. Кўп эмас, ўн минг сўм. Жон қўшни, йўқ деманг, бир қўллаб юборинг.

Шодивой қуруқ қайтмади.

Бироздан сўнг кўча вакили кириб келди:

— Хайрият-э, уйда ҳам ўтираркансиз. Маҳалла оқсоқоли битта чойхона қурмоқчи эканлигимизни айтди...

— Ие, пулни ҳадеб бошқаларга бераверасизми? Менгаям бироз чўзинг. Синфимизга таъмирлаш учун бўёқ оламиз, — деди кўчадан уйга кирган ўғли Одилжон.

Чоривой чайнаб турган луқма нақ томоғига тиқилаёзди. Лекин пиёладаги чойни хўплади-да, ўғлини ҳам қуруқ қолдирмади.

Сўнг Чоривойнинг хотини дугоналари билан навбатдаги "гап-гаштак" учун, ўртанча ўғли эса синфдошларидан бирининг сигири ҳаром ўлгани учун, яна бири корхонасидаги фаррош аёлга супурги пули сўрашади...

Чойдан сўнг Чоривой чўнтагига қўл тиқиб, совуқ терга ботди.

Киссаси шип-шийдам бўлганди. Ақалли, маоши бир кечагина чўнтагида меҳмон ҳам бўлмади-я...

# *АСИР ТУШГАН СУВАРАКЛАР*

## КИЧИК МАСАЛ

— Сувараклар дастидан ўлар бўлсам ўлиб бўлдим. Уларга қарши қўлламаган чорам, сепмаган дорим қолмади. Жони тошдан экан шекилли ҳаммасини, — шикоят қилди бир киши ҳамкасбига.

— Улардан қутулишнинг битта зўр йўли бор, — деди ҳамкасби.

— Хўш?

— Сен сувакларни тўрт маҳал боқиб семиртир ва жангга тайёрла. Сўнг қўшнингникига жўнат. Қўшни уйдаги сувараклар билан бўлган жангда ҳаммаси қирғин-барот бўлади.

Орадан бир ой ўтгач, ўша киши ҳамкасбининг ёқасидан олгудек важоҳат билан хонага кириб келди.

— Ҳе, маслаҳатинг қурсин, бошингда ордона қолсин. Сенинг айтганингга амал қилиб, уйдаги суваракларни пишлоғу асал билан боқиб, қўшни сувакларга қарши жангга жўнатган эдим...

— Хўш, кейин-чи?

— Улар жангда ғалаба қозониб, минг нафар душманни асир олишибди. Бундан ташқари уч юз нафар ярадор, икки юз нафар боқувчисини йўқотган бева ва қариялар, олти юз нафар етим болаларни ҳам олиб келишди. Устига-устак нима дейишганини биласанми?

— Хўш, нима дейишди?

— Суваракларнинг лашкарбошиси менга қараб, "Хўжайин, кўпам куюнаверманг, жанг ортида хизмат қилган икки минг нафар суваракдан ташқари яна беш юзта бедарак келганлари ҳам топилди", деса бўладими?!

**Одил ЭГАМ**

*Хандалар*

# КУЛГИ — ШИФО

Икки дугона кўчада учрашиб қолди.

— Эринг билан ярашибсан, шу ростми?

— Ҳа, у аблаҳ шундай тинч, осойишта яшаяптики, кўриб сира чидаб туролмадим.

* * *

Аскар: — Жаноб офицер, хотиним бетоб, икки кунга рухсат берсангиз.

Офицер: — Бугун хотинингдан хат келди, тузалиб кетганини сенга айтиб қўйишни сўраяпти.

Аскар: — Ёлғон ҳам эви билан-да, ахир мен уйланмаганман-ку?!

* * *

— Доктор, айтинг-чи, сабзини кўпроқ есам, ҳақиқатан ҳам кўришим яхшиланадими?

— Ҳа, албатта. Ахир сиз биронта кўзойнак таққан қуённи кўрганмисиз?

* * *

Нозанин қиз шифокорга деди:

— Вой доктор, сизга қандай миннатдорчилигимни изҳор қилишни билмай қолдим?

— Биласиз, жуда яхши биласиз.

* * *

Ўқитувчи ўқувчилардан сўради.

— Бу қандай ҳайвоннинг суяги?

Битта билағон жавоб берди

— Ўлган ҳайвонники.

* * *

— Азиз, неча сен Дилдорага уйланмадинг, ёки ота-онаси рози бўлмадими?

— Ота-онасининг розилигидан бўлак ҳеч нарсаси йўқ экан, шунинг учун мен уйланолмадим.

* * *

— Доктор, кўп нарсага сиқиламан, жаҳлим чиқади, тез асабийлашаман.

— Энг яхши дори — меҳнат, ишга бошингиз билан шўнғиб кетинг.

— Мен бетон қораман-ку дўхтир.

# ЯРИМ ҲАЗИЛ, ЯРИМ ЧИН

Эр ярим кечада чўчиб уйғониб кетди.

— Нима бўлди дадаси, ёмон туш кўрдингизми?

— Тушимда дадам мени сенга уйлантирмоқчи бўлдилар, уйланмайман десам, йўқ, шунга уйланасан, деб туриб олдилар, қочаман, деб ариққа тушиб кетдим.

— Туш кўрмай ўлинг, — деди хотин. — Нима сизга тегаман деб ўлиб турувдимми? Заб бўптида. Энди ухланг!

Эр анчадан кейин яна уйғониб кетди.

— Жоним, яна туш кўрдим, — деди хурсанд бўлиб. Бўйдоқ эмишман, сенга уйланаман менга теккин, дебман.

— Нимага бунақа хурсанд бўлиб гапиряпсиз?

— Ахир сен, йўқ ҳечам тегмайман, — деб жавоб бердинг-да...




Изоҳга ҳожат йўқ.

**Абдурасул Ҳакимов чизган расм.**

# «СПОРТ МАЛИКАСИ – 2005» УНВОНИ КИМГА НАСИБ ЭТАРКИН?

**Қизларимизнинг ҳар томонлама соғлом ва гўзал бўлиб вояга етишларида жисмоний тарбия ва спортнинг нечоғлик муҳимлиги яхши маълум, шу боисдан-да юртимизда бу борадаги саъй-ҳаракатлар давлат сиёсати даражасида олиб борилмокда.**

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика Хотин-қизлар қўмитаси ва Миллий олимпия қўмитаси қошидаги хотин-қизлар ва спорт комиссияси ҳамкорлигида мамлакатимизда илк бор ўтказилаётган «Спорт маликаси—2005» танлови ҳам айнан шу мақсадларда ташкил этилган бўлиб, унда спорт мусобақаларида муваффақиятларга эришган қизларимизнинг имкониятларини, шу жумладан жисмоний салоҳиятларини намойиш этиш билан бирга, юртимиз хотин-қизларининг спортга бўлган қизиқишларини янада орттиришга йўналтирилгандир.

— Дарҳақиқат, мазкур тадбир Ўзбекистонда биринчи марта ўтказилмоқда, бундан кўзланаётган мақсад халқаро майдонларда мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, аёллар спорти ривожи, хусусан, олимпия ҳаракатига улкан ҳисса қўшаётган спортчиларни яна бир бор рағбатлантиришдир, — дейди КЕЧА пойтахтимизда бўлиб ўтган матбуот анжуманида республика Хотин-қизлар қўмитасининг етакчи мутахассиси Зулфия Мўминова.— Танловда ўз фаолиятини давом эттираётган халқаро тоифадаги спорт усталари ва ҳар ҳил спорт турлари бўйича спорт усталари қатнашмокда.

Ташкилий қўмита маълумотига кўра, ғолиблар спортда эришган натижалари, ташқи кўриниши, хорижий тилни билиши, интеллектуал салоҳияти, ўзини кўрсатиш маҳорати, нафосати, рўзғор юритиши, халқимиз анъана ва урф-одатларидан воқифлиги асосида аниқланади.

«Спорт маликаси» номини қўлга киритишда бир нечта босқичларндан муваффақиятли ўтиб, сўнгги — ҳал қилувчи босқичга етти нафар қиз етиб келган. Танловнинг 2 октябрь куни бўлиб ўтадиган финал босқичида бу қизларимиз орасидан «Спорт маликаси» аниқланади.

**Шаҳло ҲОШИМОВА**

**Стол тенниси бўйича ногиронлар ўртасида ўтказилган Европа очиқ чемпионати якунига етди. Унда мамлакатимиз спортчилари ҳам иштирок этиб, юртимизга ёруғ юз билан қайтиб келишди.**

## СПОРТЧИЛАРИМИЗ ТЎРТИНЧИ ЎРИНДА

Мусобақада жаҳоннинг юрт юзга яқин моҳир спортчилари қаторида уч нафар юртдошларимиз ҳам стол тенниси бўйича ўз имкониятларини синаб кўришди. Таъкидлаш жоизки, Марказий Осиё шарафини ҳимоя қилиш фақатгина Ўзбекистон спортчиларига насиб этди. Ҳамюртларимизнинг рақиблари анча кучли, жисмонан бақувват ва техник жиҳатдан бизникиларга нисбатан устун бўлишларига қарамай, юртдошларимиз ғолиб бўлиш учун бор имкониятларини ишга солишди. Мусобақада Ўзбекистон терма жамоаси умум жамоа ҳисобида тўртинчи ўринни қўлга киритди. Биринчи ўрин АҚШ спортчиларига, иккинчи ўрин эса Германия термасига, учинчи ўрин Испания спортчиларига насиб этди. Ўзбекистон терма жамоасининг Европа очиқ чемпионатида биринчи иштироки эканлигини инобатга олсак, тўртинчи ўрин ҳам улар учун катта ютуқдир. Энди ногирон спортчиларимиз келаси йили Қатар пойтахти Доха шаҳрида бўлиб ўтадиган Осиё чемпионатига тайёргарлик кўришади.

**Рустам ҲАЙДАРОВ, "Туркистон пресс"**

*Сир-асрорларга тўла олам*

# ТАБИАТ ДОИМО ЯШАРИШДА

**Атрофимизни ўраб олган табиат, ундаги барча мавжудотлар бир қараганда доимо бир хилдек кўринади. Аммо уларнинг сирлилигига ҳамиша ҳам эътибор бермаймиз. Барча тирик жонзотларнинг тўхтовсиз ўзгариб туриши ҳақидаги фикр хаёлимизга келмайди. Куёшнинг Ер атрофида айланиши қандай ҳайратланарли бўлиб туюлса, бир қарашда ўзгармайдиган бўлиб кўринган тирик табиат ҳам худди шундай сеҳрли ҳисобланади.**

Дунёда инсоният тез кўпаймоқда. Ҳозир ер юзида олти миллиарддан зиёдроқ одам яшайди. Олимларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, 30 йилдан сўнг бу рақам икки баробар кўпайиши мумкин. Ёввойи табиат учун ўрмон, дала, чўл ва умуман инсон қўли тегмаган ер парчаси борган сари камаймокда. Ёввойи табиат йўқолмокда. Ҳозир ер юзида яшаб турган ҳар бир тур у хоҳ ўсимлик, хоҳ жонивор бўлсин, ўзига хос бетакрор хусусиятга эга эканини унутмаслигимиз керак.

Инсон ёруғ оламда яшаши учун ўз эҳтиёжларини қондириш мақсадида нималарни ўйлаб топмайди, дейсиз? У яратган кўпгина кашфиётлар табиатга зарар етказмокда.

Масалан, ҳозир парчаланмайдиган, яъни чиримайдиган пластмасса чиқиндилар кундалик турмушда тўпланиб қолмокда. Маълум мақсадга қаратилган селекция ишлари бактерияларнинг махсус турларини яратиш имконини беради. Бундай бактериялар ана шундай пластмасса чиқиндилари билан озиқланиб уларни парчалаб юборади. Албатта, янги яратилган бактерия доимий назоратда бўлиши керак. Акс ҳолда улар бутун сайёрамизга тарқалиб, ҳар қандай пластмассага қирон келтириши мумкин.

Бактерия ва вирусларга қарши 1940 йилдан эътиборан қўлланилиб келинган қудратли антибиотиклар ҳаммага маълум. Дастлабки йиллари унинг таъсиридан одам танасидаги бактерияларнинг 99 фоизи ҳалок бўлди. Уруш йиллари пенициллин воситасида ўн минглаб кишиларнинг ҳаёти сақлаб қолинди. Йигирма йиллардан кейин эса ундан таъсирланадиган микроорганизмлар атиги 20-30 фоизни ташкил этди, қолганлари эса мазкур антибиотикнинг катта ўлчамидан ҳам таъсирланмайдиган бўлиб қолди. Шундай қилиб, дастлаб унчалик кўп бўлмаган чидамли бактерияларнинг танланиши натижасида уларнинг янада ашаддий касал чақирувчи турлари пайдо бўлдики, у бутун ер юзига тарқалиб кетди.

Умуман олганда, биз эволюцияни бошқаришдан анча узоқдамиз. Масалан, каламушларга қарши инсоният ўтган асрдан бери муваффақиятсиз курашиб келмоқда. Ҳозир уларнинг шундай турлари пайдо бўлганки, улар ҳар қандай заҳар-заққумга бардош беради ва 10-12 даражали музхона шароитида ҳам бемалол кўпаяверади. Безгак пашша, қандала, бит, бурга кабилар орасида ҳам бизнинг муҳофаза чораларимизга чидамли турлари пайдо бўлмоқда. 1956 йилда собиқ иттифоқ ҳудудида ана шундай ҳашаротларнинг 20 тача тури аниқланган эди. 1963 йилга келиб, уларнинг сони 122 тага кўпайди. 1968 йилга келиб уларнинг сони 225 тага етди. Кўриниб турибдики, табиат билан бўлаётган эволюцион ўйинда бизга қийин бўлмоқда. Зеро, ҳайвонот ва ўсимлик турларини сақлаб қолишдан кўра уларни йўқотиш ҳоллари кўпроқ учрамокда. Ҳисоб-китобларга кўра, дунё бўйича ҳозирда ҳар куни битта биологик тур йўқолса, яна бир неча йилдан сўнг ҳар соатда битта тур йўқоларкан.

Шу нарсани эсда сақлаш керакки, табиатни кўпроқ карбонат ангидрид ютиб, кислород ишлаб чиқарадиган ўсимлик навлари билан бойитишимиз керак. Сув ҳавзаларининг табиий тозалигини таъминлайдиган жониворлар ўта муҳимдир. Масалан, Байкал кўлининг ўта тозалигининг сири шундаки, бу кўлда эпишура деган митти жонивор яшайди. Эпишура бутун Байкал сувини фильтрлайди, яъни ўсимлик ва ҳайвон қолдиқлари, сувда эриган органик моддалар билан озиқланади. Байкал кўлига қуйиладиган 250 та дарё суви бир йилда 3 марта ана шу табиий фильтрдан ўтади. Лекин эпишура фенол каби кимёвий моддалардан тез таъсирланади. Демак, ана шу моддалар миқдори меъёридан ошиб кетса, Байкал кўлмак сувга айланиб қолади.

Кўриниб турибдики, тирик табиатнинг ўзгармаслиги алдамчи экан. Демак, табиатдаги кўзга кўринмас кучлар бирон дақиқага ҳам ўз ишларини тўхтатиб қўймайди ва секин-аста, қадамба-қадам бир белгидан иккинчи белгига, авлоддан-авлодга ўтгани сари барча тирик жонзотлар ўзгариб боради.

Бироқ, миллион ва юз миллион йиллар давомида рўй бериб келган эволюцион жараёнларни кузатиш учун, афсуски, инсон умри ўта қисқалик қилади. Лекин ўтган узоқ даврда эволюция қандай юз берганини аниқлаш учун бугун олимлар қўлида етарлича қурол бор.

**Яхё ДАВЛАТОВ, биология фанлари доктори**

*Таълим*

## УНИВЕРСИТЕТДА «ХАЛҚАРО ТУРИЗМ» МАРКАЗИ ОЧИЛДИ

**Кейинги йилларда "Ўзбектуризм" Миллий компаниясининг фаолият доираси кенгайиб кетди. Бунда унинг турли йирик муассаса ва ташкилотлар билан яқин алоқаси қўл келмокда.**

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида "Халқаро туризм" ўқув-ишлаб чиқариш маркази очилиши ҳам айни муддао бўлди. Компания билан ҳамкорликда ташкил топган бу марказ туризм бўйича юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш билан шуғулланади.

Айни вақтда компания республикамизнинг ҳаво йўллари орқали алоқа қилаётган мамлакатларда ўз ваколатхоналарига эга бўлди. Бу эса чет эллик сайёҳларнинг ўзбек диёрига кўплаб келишларида уларга қулайликлар яратиш имконини беради.

## БАНК АМАЛИЁТИ ХОНАСИ

**Тошкент банк ҳисоб-кредит коллежи Республика Марказий банки ҳузурида фаолият кўрсатмокда. Бу ерда ўқитилаётган мутахассислик фанлари бўйича ташкил қилинаётган машғулотлар замонавий техникавий ўқув қуроллари ёрдамида олиб борилмокда.**

Коллежда янги ўқув йилига муносиб совға сифатида "Банк амалиёти хонаси" ташкил топди.

Янги ўқув йилида коллежнинг ўқув-моддий негизини янада мустаҳкамлашга қаратилган қатор тадбирлар амалга оширилади. Бунда Республика Марказий банкининг оталиқ ёрдами катта бўлади.

## ЯНГИ ЙЎНАЛИШДАГИ ИШЛАР

**География фанида геодезия ва картография муҳим ўрин тутади. Шу сабабли ҳам мамлакатимизда шу йўналишда малакали мутахассис кадрлар тайёрлашга катта аҳамият берилмокда.**

Тошкент геодезия ва картография касб-ҳунар коллежи ҳам бу соҳада фаолият кўрсатиб келмокда. Мана бир неча йилдирки, бу даргоҳ ўз ўқувчиларини мустақил ҳаётга йўлламокда. Янги ўқув йилида коллежда қатор ўзгаришлар юз берди. Амалиёт машғулотларини олиб боришга ихтисослаштирилган ўқув лабораторияси ва устахона очилди. Янги йўналишда диплом ишлари мавзулари белгиланди. Бир гуруҳ изланувчан ёшлар эса Тошкент вилояти ҳудудининг рельефли макетини яратишга киришди.

**Акбар АЛИЕВ**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ ОЛИЙ ИНЖЕНЕРЛИК ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ҚУЙИДАГИ БЎШ (ВАКАНТ) ЛАВОЗИМЛАР УЧУН**
**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

"Замонавий педагогик технологиялар ва ижтимоий фанлар" кафедралари бўйича:
— кафедра мудири.
"Муҳандислик махсус фанлари" кафедраси бўйича:
— кафедра мудири.
"Ахборот коммуникация технологиялари ва интеллектуал тизимлар" кафедраси бўйича:
— кафедра мудири;
— доцент — (1).
Танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилиши лозим:
— ариза;
— шахсий варақа (сўровнома);
— 2 дона сурат
— илмий ишлар рўйхати;
— дипломлардан нусхалар.
Ариза эълон чиққан кундан бошлаб, бир ой муддат давомида қабул қилинади.
***Манзил: Тошкент-700095, Талабалар кўчаси, 91.***
***Тел: 46-18-05; 46-87-38;***

2005 йил 27 августдан бошлаб

**«ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ» РЕСПУБЛИКА БИРЛАШМАСИ ТОШКАНБОЙ ЭГАМБЕРДИЕВ НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ**

**КУЗГИ-ҚИШКИ МАВСУМНИНГ ОЧИЛИШИ «ШАРҚ МАШЪАЛЛАРИ»**
**Катта халқаро байрам дастури**
**Дастурдан:**
**ўргатилган кучукчалар, маймунчалар, каптарлар билан фантазиялар, илон ўргатувчи бўғма илон билан, чавандоз йигитлар ва бошқа кўплаб иштирокчилар ҳамда қизиқарли томошалар ўрин олган.**
***ТОМОША ҚИЛИШГА ШОШИЛИНГ!!!***
**Томошалар: шанба ва якшанба кунлари соат 12.00, 15.00 да бошланади.**
**Чипталар цирк кассаларида ва туман кассирлари томонидан сотилади.**
**Ҳақ ҳар хил шаклда тўланиши мумкин.**
**Касса эрталаб соат 9.00 дан ишлайди.**
**Маълумотлар учун телефонлар:**
**144-35-91, 144-29-04, 144-32-23.**

## Шарқ дурдоналари

### Оз-оз ўрганиб доно бўлур...

● ҲИКМАТ. Дўст уч гуруҳдир: дўст, дўстингни дўсти, душманингни душмани. Душман ҳам уч тоифадир: душман, дўстингни душмани, душманингни дўсти.

Байт:

**Душманингга**
**душман бўлади дўстинг,**
**Душманингга ул**
**ҳам бўлади ағёр.**
**Душманингга дўстлик**
**айласа дўстинг.**
**Душмандир у аканг**
**бўлса ҳам зинҳор!**

● Донолардан бири айтади:

— Ёмон кишилар билан улфат бўлишдан қочгин. Одамнинг табиати ўғридир. У яхши кишилар билан суҳбатдош бўлганда яхши хислатлардан баҳраманд бўлгани каби, ёмон билан улфат бўлганда ҳам улардан озгина бўлса-да, ёмон хислат ўғирлаб олади.

● Доноларнинг айтишича, ҳар кишини ҳам дўст тутиб бўлавермайди. Дунёда дўстдан кўра азизроқ ва қимматроқ нарса йўқ. Айтишларича, Абу Жаъфар Муҳаммад ибн ал-Ҳусайн ўз отаси ҳақида ҳикоя қилиб қуйидагиларни айтган:

Дадам бир куни менга: «Эй ўғлим, беш тоифа киши билан дўстлик ва улфатлик қилма, улар билан ҳеч вақт суҳбат қурма!» — деди. Мен ундан: «Эй дадажоним, улар қайси тоифалар экан?» деб сўрадим. Дадам деди: «Биринчиси — фисқу фужур аҳли. Улар сени халқ орасида расво ва шарманда қилади. Бир луқма нон учун сени сотишдан қайтмайдилар. Уларнинг одатлари шуки, сендан доим бир нарса тамасида бўлишади, агар бермасанг, халқ ичида сенинг ҳақингда ёмон гаплар тарқатишади. Одамлар эса гапнинг тагига етмасдан сен билан ёмон муомала қила бошлайдилар».

— Иккинчиси бахил ва хасис кишилар. Агар сен бирор нарсага муҳтож бўлиб қолсанг улар ҳеч қачон сенга бермайдилар. Сенинг молу давлатингни эса уялмай ейдилар. Тугаса душманга айланадилар. Мен буни ўз бошимдан кечирганман. Пулим кўплигида дўстларим кўп эди. Камбағалликка тушиб қолганимда эса душманимга айланишди, таъна тошини отишди.

Дадам давом этиб деди:

— Уларнинг учинчиси ёлғончилар. Кимда бу иллат борлигини сезсанг ундан узоқроқ юр. Улар сени ўз яқинларингдан айиришади ва бегоналарни яқинлаштиради. Тўртинчи тоифа эса жоҳил, нодон ва аҳмоқ кишилардир. Улар билан бўлган суҳбат кишига аста-секин таъсир эта бошлайди, тўғри йўлдан оздириб, одамнинг ниятини бузади. Бешинчи тоифа эса лақма, дилида меҳри йўқ кишилардир. Бундай кишиларни малъун деб аташ мумкин.

## ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

### БУ ҲАМ ЛОҚАЙДЛИКМИ?

Шаҳримизда ҳавас қилса арзигулик бир-биридан гўзал бинолар кўп. Ҳатто улар орасида юксакликка бўй чўзганлари ҳам борки, уларнинг юқори қаватига қарасанг, гўё дўппинг ерга тушгудек. Бу биноларнинг ҳаммаси инсонлар учун бунёд этилган. Лекин биз ҳамиша ҳам улардан тўғри фойдаланиб, ташқи кўринишига путур етказмаймизми? Келинг, яхшиси бу саволга жавоб топиш учун ўша биноларнинг пешайвонларига бир назар ташлайлик. Ана энди айтинг. Уларнинг ҳаммаси ҳам биз истаганчалик ёки ўша бинонинг ҳуснига мос равишда тартибли ва орастами? Йўқ, албатта. Бу қаватма-қават чўзилиб кетган пешайвонлар орасида шундайлари ҳам кўзга ташланадики, уларга қараб туриб беихтиёр ранжиб кетасан киши. Бирида эски стол-стуллар, қурилиш материаллари уйиб ташланган бўлса, бошқасида шундоққина кўзга кўринадиган жойига ювилган кир чирлар, ички кийимлар пала-партиш осиб ташланган.

Шу ҳақда ўйлаб бораётиб, бекатга келиб тўхтаган автобусга чиқдим. Тушлик пайти бўлгани учун салон анча бўш, ҳатто у ер, бу ерида бўш ўриндиқлар ҳам кўзга ташланарди. Олди ўриндиқда ўтирган ёшлардан бири дарҳол ўрнидан туриб бизга жой берди. Раҳмат айтиб, юмшоқ ўриндиққа ўтирдик. Шу топда олдимиздаги ўриндиқнинг қўл ушлагич резинасининг ярми атайлаб кимнингдир томонидан кесиб олинганига кўзимиз тушди. Ачиниш билан бош чайқаб турганимизни чипта сотувчи пайқаб қолди.

— Буниси ҳам ҳолва. Энди ўриндиқнинг орқасидаги ёзувларни ўқиб кўринг, — деди у бизга.

Бай, бай, ҳали бунақаси бўлмаган. Бу ерда қанақа ёзувлар, қанақа чизма расмларни учратмайсиз. Мана шулардан бири. «Маҳбуба ва Олимжон. Чин севги» Вой тавба, севги изҳор этишнинг шунақа йўллари ҳам бор экан-ку, биз билмас эканмиз-да? Аслида эса бу севги эмас, ўзининг кимлигини кўрсатиш, кўпчилик олдида ўзинигина эмас, ҳатто кўнгил берган қизининг (агар севгиси чин бўлса) ҳам номини айтиб шарманда қилиш.

Севги — бениҳоя буюк туйғу. Бундай туйғуга эга бўлган киши, уни дилида сақлайди, ўзгалардан пинҳон тутади, ҳатто ойлаб, йиллаб дилидаги бу эҳтиросни севганига ҳам айтишдан истиҳола қилиб юради.

— Йўловчи транспортларида ҳамиша одамлар гавжум бўлади. Шундай ёзувлар ёзилаётганини кимлардир кўриб туради-ку. Нега улар индашмайди, ўзбошимча ёшларни тартибга чақиришмайди? Мана шунисига ҳайрон қоламиз, — дейди чипта сотувчи аёл. — Йўловчилар ўз ҳуқуқларини талаб қилишни унутишмайди. Шундай бўлгач улар ўз бурч ва масъулиятларини ҳам эсдан чиқармасликлари керакда.

Автобусдан тушиб кўча бўйлаб кетдик. Беихтиёр кўзимиз кўча юзидаги дарахтга мих билан қоқиб қўйилган хусусий эълонга тушиб қолди. Унинг пастроғида эса дарахт танасига ўйиб ёзилган «Қанақа аҳмоқсан, дарахтга нега эълон осасан» деган ёзув. Буни энди қандоқ тушуниш керак? Бу табиатга етказилган зиёнга қарши қаратилган огоҳлантиришми, ёки унга баттар озор беришми? Ҳарқалай бу қош қўяман деб, кўз чиқаришдан ўзга нарса эмас.

Балконлар ҳам, автобус ҳам, ҳатто ўша озор тортган дарахт ҳам бизнинг мулкимиз. Мулкни ораста сақлаб кўз қорачиғидек асраш ҳаммамизнинг бурчимиз.

### БУРГАГА АЧЧИҚ ҚИЛИБ...

Бу ҳаётда нималар бўлмайди дейсиз. Бош омон бўлса инсон турли- туман воқеаларнинг гувоҳи бўлаверар экан. Автобусда бораётиб 35-40 ёшлар чамасидаги бир киши билан ҳамсуҳбат бўлиб қолдим.

— Эй отахон, — деди у менга гап асносида, — тўғри қилдимми, йўқми, ҳар қалай жаҳл устида бир иш қилиб қўйдим.

Кейин у ҳикоя қила кетди...

Кечқурун ишдан кеч қайтган Омонжон эрталаб уйқудан кўзини очиши билан одати бўйича рўпарадаги деворда осиғлиқ турадиган марҳума аёлининг суратига қаради. Қаради-ю ҳайрон бўлиб қолди. Бежирим рамка ичига жойланган Хатиранинг (у бундан 4 йил олдин вафот этган эди) жилмайиб турган, хушқомат сурати жойида йўқ эди. У дарҳол қизи Холидани (у марҳума аёлидан қолган ёлғиз ёдгори) чақириб сўраб-суриштирди.

— Ойингнинг сурати қани?

Холида жавоб ўрнига ҳўнграб юборди. Кейин пиқиллаб:

— Билмадим, кеча мактабдан келсам сурат жойида йўқ. Зебо ойимдан сўрасам.. "Ўлган одамнинг сурати уйда осиғлиқ турса бехосият бўлади. Мен олиб яшириб қўйдим", — дедилар. Ўзимга беринг хонамга осиб қўяман деб ялинсам ҳам унамадилар, — деди.

Шу чоғда хонага Зебохон кириб келди.

— Ҳа, ота-бола эрталабдан оғиз-бурун ўпишиб қолибсизлар, — пичинг қилди у.

— Хатиранинг сурати қани? Кўз олдимда дарров жойига осиб қўй.

— Ўлган хотинингиз учун қачонгача обидийда қиласиз. Уни унутаолмас экансиз, расмини қучоқлаб ётавермай, нега менга уйландингиз?

— Сурат қани деяпман? — ғазаб билан ўшқирди Омонжон.

— Ҳар куни унга термулишингиз жонимга тегди. Йиртиб ташладим. Рамкаси керак бўлса ўчоқ бошида турибди.

Онасидан қолган ягона ёдгорлик — шу суратдан ҳам айрилганини эшитиб Холида уввос солиб йиғлади.

— Нега йиртасан аблаҳ? Ҳозир топасан. Бўлмаса сендақа хотин менга керакмас. Жўна, тўрт томонинг қибла.

— Шунақами, бўпти кетаман.

Зебохон шитоб билан уйга, Омонжон алам билан кўчага отланди. Ўртада кўз ёш тўкканича Холида қолди...

— Бўлган воқеа шу. Айтинг, маслаҳат беринг, нима қилай отахон?

— Ҳарқалай яхши иш бўлмабди. Аёлингиз бироз енгилтаклик қилибди. Ишқилиб у билан турмушингиз ёмон кечаётган эмасмиди?

— Ҳарқалай ёмонмасди. Уйим-жойим дейдиган хотин эди. Лекин қачон марҳума аёлимнинг ўша суратига тикилиб қолсам ғаши келарди.

Ўйланиб қолдим. Шу топда бу йигитга нима деб маслаҳат беришга ҳайрон эдим. Охири унга, бўлар иш бўлибди, энди бургага аччиқ қилиб кўрпа куйдирманг. Ҳарқалай хотинигизни уйга қайтаринг. Минг қилса ҳам аёлда, у бечора ҳам рашк ва алам устида қилган ишини билмай қолган деган гапни айтдим.

Ҳамроҳим сукут сақлаб қолди. Кейин...

— Маслаҳатингиз учун раҳмат отахон, — дея навбатдаги бекатда автобусдан тушиб қолди.

## МУНАЖЖИМ БАШОРАТИ

**1 ОКТЯБРЬ, ШАНБА**

**Қуёш тутиладиган кунга уч кундан камроқ вақт қолаяпти. Бу эса, метеорологик ўзгаришларга сезгир кишилар катта руҳий ва жисмоний оғирликлар орқали муносабатда бўлишларини билдиради. Шунинг учун дам олиш кунини (дарвоқе, бугун устозларни шарафланадиган умумхалқ байрами ҳам) яхшилаб дам олиш, хурсандчилик, ўйин-кулги билан ўтказиш мақсадга мувофиқ.**

Боз устига, Марс сайёраси коинот бўйлаб ҳаракатида қарийб тўхтай деб турибди ва эртага бу ҳаракатни ортга қараб бошлайди. Илми нужумга кўра, бу ҳолат олдинги ишларга қайтиш бошланишини, амалий фаолликда мураккабликлар пайдо бўлишини билдиради. Ушбу вазиятда Қуёш тақвими тавсияларига қулоқ тутишга тўғри келади. Бугун - Қуёш тақвимининг 15-кунида эркаклар ҳеч сўзсиз аёлларга қулоқ солишлари керак бўлади. Аёллар эса, ҳаёт воқеа-ҳодисаларини тўлиқ назорат қилишга уриниш турли нохушликлар келтириб чиқаришини унутмасалар бўлгани.

Саломатлик масаласида ҳар қандай жарроҳлик муолажалари тақиқланади (кечиктириб бўлмайдиган ҳоллар бундан мустасно). Кунни рўза тутиб, ҳеч бўлмаганда овқатдан ўзингизни бирмунча тортиб ўтказганингиз маъқул. Спиртли ичимликлар истеъмоли энг ачинарли оқибатларга олиб бориши мумкин. кийимлардан ҳаворанг, оқ ва барча яшилликка яқин ранглилари кун руҳига мос тушади. Қизил ва қора тусли либослардан бугунча воз кечинг.

**ШАНБАДА:**

— енгил-елпи ишларни давом эттириш; имкон бўлса – кунни дам олиб, байрам кайфиятида ўтказиш;

— дарсликлар, қўлланмалар, услубий қўлланмалар билан ишлаш;

— турли муаммоларни ҳал қилишдан кўра, уларнинг муҳокамасига кўпроқ вақт ажратиш.

Янги ишга қўл уриш, жиддий ҳаракатлар қилишдан, ўз обрў ва мавқеингизни ортиқча баҳолашдан, молиявий ва бошқа жиддий муаммоларни ҳал этишга киришишдан эҳтиёт бўлинг.

**2 ОКТЯБРЬ, ЯКШАНБА**

**Бугунги якшанба, мунажжим Л. Неведомская талқинига кўра, севги-муҳаббат туйғуларининг совиши, энг қадрли ва яқин кишилардан аразлашиш билан, шунингдек, молиявий асосдаги жанжал-можаролар билан эсда қолиши мумкин.**

Кўрадиган тушларингиз ташвишли, қўрқинчли бўлиши мумкин — лекин улар бирор қийматга эга бўлмайди. Аммо гулнинг очилишини ёки пишиб етилган мевани кўриш — яхшиликка.

Шу куни кўпроқ суюқлик, шарбатлар, маъданли сувлар истеъмол қилиш фойдали. Жигар ва ўт пуфагингизни авайланг. Дармонсиз, бемор кишилар кўпроқ ухлаб дам ологанлари маъқул. Ҳаммом ёки саунага тушиш саломатлигингизга ижобий таъсир этади.

Олтинранг, оқ ва сариқ ранглар уйғунлигидаги кийимларга устуворлик беришингиз тўғри бўлади. Жигарранг ва қора тусли либослардан узоқроқ бўлинг.

**ЯКШАНБА МАСЛАҲАТЛАРИ:**

— бирон-бир яхши ишга қўл уриш (юлдузларга ишонадиган бўлсак, ҳар қандай эзгу иш омадли бўлади);

— ҳамкасблар, қўшнилар ва ота-оналар билан муносабатларни тиклаш;

— истиқболни кўзлаган иш режасини тузиш;

— квартирани, хонани, ёрдамчи хоналарни таъмирлаш;

— яқинларингизга кўпроқ ғамхўрлик кўрсатиш;

— уй ҳайвонларини парваришлаш;

— турли муаммоларни ҳал этишда қалбингизга қулоқ тутиш тавсия этилади.

Саломатлигингиз ёмонлашса, ўзингизни-ўзингиз даволаш билан шуғулланманг — зудлик билан мутахассисларга мурожаат қилинг. Шунингдек, бегоналар таъсирига берилманг — бу сизга зарар келтириши мумкин.

**3 ОКТЯБРЬ, ДУШАНБА**

**Мунажжим Лина Саванская юлдузлар бугун бизга хайрихоҳлигини башорат қилади. Шу билан бирга, бугун соат 14.32 да (Москва вақти билан) Қуёшнинг тутилиши бу душанбани октябрь ойининг барча кунларидан ажратиб туради. Шу тутилиш вақтида Қуёш ҳам, Ой ҳам Тарозу буржининг 11 даражасида бўлишаркан. Бу кенглик илми нужумда тўпланган билимларни бошқаларга, камроқ тараққий этган ҳамжамиятларга ўтказиш билан боғлиқ.**

Бугун эркин, ихтиёрий иш тутиш куни. Ҳар қандай чекловлардан воз кечиш, умумий оқимда бўлиш, кўпчиликдан ажралмаслик тавсия этилади.

Кийимлардан ёрқин бўлмаган, яшилликка алоқадор ранглилари бугун омадли ҳисобланади. Жигарранг ва қора рангли либосларингизни жавонингизнинг нариги бурчагига улоқтиринг.

**БУГУН:**

— узоқ муддатга мўлжалланган муҳим ишни бошлаш;

— кийим-кечаклар, пойабзал, озиқ-овқатлар, консервалар харид қилиш;

— куч ва маблағларингизни тўғри тақсимлаш;

— янгиликларни диққат билан кузатиб бориш.

Кўп вақтингизни интеллектуал меҳнатга бағишлаш, спортнинг куч ишлатиладиган ва экстремал турлари билан шуғулланишни маслаҳат бермаймиз.




Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 2496 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-809.

1 2 3 4 6